ХАЛЫҚАРАЛЫҚ ҒЫЛЫМИ ЖУРНАЛ

МЕЖДУНАРОДНЫЙ НАУЧНЫЙ ЖУРНАЛ

INTERNATIONAL SCIENTIFIC JOURNAL

# ҚАЗАҚСТАННЫҢ ҒЫЛЫМИ ӘЛЕМІ

# НАУЧНЫЙ МИР КАЗАХСТАНА

# SCIENTIFIC WORLD OF KAZAKHSTAN

№ 2(42) 2012

**Юсупова Т.**

# *8-СИНФДА СИНТАКСИСНИ ЎРГАНИШ ЖАРАЁНИДА ЁРДАМЧИ СЎЗЛАРНИ ТАКРОРЛАШ*

*В статье обосновывается необходимость проведения работ над полным списком служебных частей речи, над их значениями и стилистическими особенностями на уроках родного языка в 8 классе с целью развития культуры речи учащихся, не ограничиваясь повторением лишь теоретических знаний (терминов-понятий), изученных в 5–7 классах по данной теме.*

*The article is about grounding the necessity of on carjiny ont work on the complete list of parts of speech, their merniny and stylistic peculiarities in the process of teaching a native language in the 8th Form with the dim of developing pupils speech culture not limiting revision of some theoretical knowhdge (forms – notions), studied in the 5 – 7 th Forms on this topic.*

8-синфда оғзаки ва ёзма нутқни, нутқ маданиятини талаб даражасида эгаллашнинг муҳим элементи ҳисобланмиш, морфологиянинг муҳим бахсларидан бири бўлмиш ёрдамчи сўзларни мукаммалроқ даражада такрорлаш бугунги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Бундай такрорлашнинг қуйидаги заруриятлари бор:

Биринчидан, такрорлаш жараёни ёрдамчи сўзлар юзасидан 5–7-синфларда ўтилган билим, кўникма ва малакаларни тиклаш, унутилганларини қайта хотирлаш, айримларини янгидан тушунтириш, нотанишларини англатиш, яхши ўзлашмаган, лекин сўзлашув услубига хос фаол ёрдамчи сўзларни ўқувчилар нутқида фаоллаштириш, нофаолларини пассив ҳолатда нутққа сингдиришга қаратилиши керак.

Иккинчидан, ёрдамчи сўзларнинг маънолари, турли услубларда қўлланиши юзасидан ўқувчиларнинг олган амалий услубий билим, кўникма ва малакалари кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилиши лозим.

Учинчидан, ҳосил қилинган нутқий кўникма ва малакалар автоматлаштирилиши даркор.

Таълим мазмунига кирган билимларнинг бир қисмини эслатиш, иккинчи қисмини такрорлаш, учинчи қисмини янгидан тушунтириш кераклиги руҳшунослар (О.К.Тихомирова [1], И.А.Зимняя [2] ва б.) томонидан асослаб берилган.

Муаммонинг долзарблиги шу билан изоҳланадики, олинган 500дан ортиқ ёзма иш таҳлили ўқувчиларнинг оғзаки ва ёзма нутқида кўпгина ёрдамчи сўзлар ишлатилмаслигини кўрсатди. Улар баъзи кўмакчилар (*сари, сингари, қадар* ва бошқалар), боғловчилар (зидлов боғловчилари), юкламалардан фойдаланмайдилар, баъзан услубий бўёқдор ёрдамчи сўзлардан нейтрал услубда фойдаланадилар, яъни уларни нутқ шароитига мос равишда фарқлаб қўлламайдилар.

Аслида ёрдамчи сўзларнинг қўлланиши ўзига хосдир. “Обучение русскому языку в 7 классе” қўлланмасида таъкидланишича, “Муомала-аралашувда юкламаларнинг аҳамияти ўзига хос: улар матндаги боғланишлиликни таъминлайди, сўзловчи ва тингловчининг ўзаро мулоқот жараёнини акс эттиради, қадриятни ва одоб-ахлоқ баҳоларини ифода қилади, фикрларни бир-бирига нисбатлайди, таққослайди, зидлайди ва ҳоказо” [3]. Шунга кўра дарсларда ёрдамчи сўзларнинг ўзи устидаги ишлар устувор аҳамият касб этиши керак.

Мавжуд методик адабиётларда 8-синфда синтаксисни ўрганиш жараёнида морфология бўйича махсус такрорлаш дарсларини ўтказиш, синтаксис мавзуларига доир назарий маълумотларда, машқ шартларида, топшириқларда тилга олинган морфологик тушунчаларни эсга туширишга доир йўл-йўриқлар баён этилган. Лекин ушбу тавсияларда 5–7-синфларда ўқувчиларнинг морфологиядан олган билим, ҳосил қилинган кўникма ва малакаларини тиклаш устидаги ишларни 8-синфда мукаммалроқ ташкил этиш шакллари, воситалари, мазмуни ва методлари, машқ турлари ишлаб чиқилмаган.

8-синфда ёрдамчи сўзлар юзасидан нимани қай тарзда такрорлаш кераклигини белгилашда 5–7-синф «Она тили» дарсликларида қайси тушунчалар қай тарзда англатилгани ва қай тарзда мустаҳкамланганини назарда тутиш, айрим маълумотлар, дидактик материаллар билан тўлдириш лозим. Дарсликларда асосий эътибор термин-тушунчаларнинг онгли ўзлаштирилишига қаратилган: қоидалар мукаммал баён этилган, лекин ёрдамчи сўзларнинг ўзи мисол тариқасида санаб ўтилган, холос. Масалан, қуйидаги назарий маълумотда боғловчилар тўлиқ саналмаган:

Гапнинг уюшиқ бўлакларини ва қўшма гап таркибидаги содда гапларни ўзаро боғлаш учун хизмат қилувчи ёрдамчи сўзларга боғловчи дейилади. Масалан: *ва, аммо, лекин, бироқ, чунки, ё... ё, дам... дам..., гоҳ... гоҳ..., сингари* [4].

Ушбу ва бошқа аксарият маълумотларда асосий билим унсурлари сифатида термин-тушунчалар, уларнинг вазифалари бўртиб туради. Лекин уларда боғловчилар, уларнинг турларига оид рўйхат тўлиқ келтирилмайди, мисоллар берилади, холос.

Мисол келтириш кўпинча *масалан* сўзига таяниб амалга оширилса, баъзан *масалан* сўзининг вазифасини *каби, сингари* сўзлари бажаради. Бу сўзлар ҳам мисол келтирилаётганлигига, санашнинг тўлиқ эмаслигига ишора қилади. Масалан, «*Агар, агарда, башарти, гарчи* сингари боғловчилар шарт боғловчилари ҳисобланади» [4].

Тасниф чоғида айрим ҳолатларда *масалан* сўзи ҳам, *каби, сингари* сўзлари ҳам ишлатилмайди. Қуйидаги назарий маълумотда шу йўл тутилган: «Кўмакчилар етакчи сўзга боғланиб, унга турли қўшимча маънолар юклайди. Жумладан, *сабабли, туфайли, учун* мақсад маъносини; *томон, қараб, сари, бўйлаб* йўналиш маъносини; *ҳақида, тўғрисида* кўмакчилари фикр мавзуси маъносини; *каби, сингари* кўмакчилари ўхшатиш, қиёслаш маъносини; *қадар* кўмакчиси чегара маъносини ифодалайди» [5].

Юқоридаги каби маълумотларда нутқ ўстиришдан кўра кўпроқ назарий билимни англатиш ва уларнинг ўзлаштирилишини таъминлаш асосий мавқеда бўлади. Уларда грамматик воситаларнинг (ёрдамчи сўзларнинг) қўлланиши, услубий қоидалар камдан-кам тушунтирилади. Ушбу воситалар мисол сифатида келтирилгани учун ҳам иккинчи даражада қабул қилинади. Бу эса олинаётган билимларни амалда қўллаш жараёнига ўз салбий таъсирини ўтказмай қолмайди. Демак, 8-синфда ўтказиладиган такрорлаш ишлари ана шу кемтик ўринларни тўлдиришга қаратилмоғи даркор.

Аслида ёрдамчи сўзлар юзасидан қуйи синфларда кенг маълумот берилади. Чунончи:

Кўмакчи туркумига доир термин ва тушунчалардан *кўмакчи* тушунчаси 5- ва 7-синфда, *соф кўмакчи, вазифадош кўмакчилар; мақсад маъноси, йўналиш маъноси, фикр мавзуси маъноси, ўхшатиш, қиёслаш маъноси* 7-синфда ўрганилади.

Боғловчи туркумига доир термин ва тушунчалардан *боғловчи* 5- ва 7-синфда; *тенг боғловчилар, эргаштирувчи боғловчилар, бириктирув боғловчилари, зидлов боғловчилари, айирув боғловчилари, инкор боғловчилар, соф боғловчилар, вазифадош боғловчилар, юклама-боғловчилар, кўмакчи боғловчиси, якка боғловчилар, такрор боғловчилар, аниқлов боғловчилар (яъни), сабаб боғловчилари, шарт боғловчилари* 7-синфда ўрганилади.

Юклама туркумига доир термин ва тушунчалардан *юклама, сўроқ юкламалари, сўз-юкламалар, қўшимча юкламалар* 5- ва 7-синфларда ўтилса, *гумон юкламалари, инкор юкламалари, кучайтирув-таъкид юкламалари, айирув-чегаралов юкламалари, сўроқ-таажжуб юкламалари, вазифадош юкламалар, таажжуб юкламалари* 7-синфда таништирилади.

Ўқувчилар қуйидагиларни билишлари ва бажара олишлари керак:

– ёрдамчи сўз туркумларининг мустақил сўз туркумларидан фарқини айтиш;

– ёрдамчи сўз туркумларнинг (кўмакчи, боғловчи, юклама) маъно турлари ва вазифалари;

– ёрдамчи сўз туркумларининг гапда бошқа туркумлар вазифасида келиш-келмаслиги;

– ёрдамчи сўз туркумларининг номланиши билан уларнинг гапдаги вазифаси ўртасидаги алоқадорликни изоҳлаш.

Умуман, 8-синфда 5–7-синфларда ёрдамчи сўзлар бўйича ўрганилган назарий билимларни такрорлашда барча ишларни икки йўналишда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир:

1) назарий билимларни ўқувчилар хотирасига тушириш;

2) грамматик воситалар (ёрдамчи сўзлар) устидаги амалий кузатиш ва машқларни давом эттириш.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, такрорлаш учун тавсия этилаётган айрим иш турлари кам самаралидир. Масалан, берилган сўзларни гуруҳларга ажратиш машқини олайлик. Ўқувчилар машқ шартига кўра берилган сўзларни (кўмакчи, боғловчи, юкламалар) жадвалнинг тегишли устунларига ёзиб чиқишлари керак. Бундай машқлар ўқувчиларнинг ёрдамчи сўзларни бир-биридан фарқлашга доир билимларини мустаҳкамлайди, холос.

Бугунги кунда она тили дарсларида ўтилганларни такрорлашда қуйидаги метод ва усуллардан, иш турларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

Янги мавзу юзасидан бериладиган назарий маълумотда тилга олинган морфологик термин-тушунчаларнинг таърифини, таснифий белгиларини ***эслатиш.*** Бу усул кам унутилган тил ҳодисасини ўқувчилар хотирасига тушириш мақсадини кўзда тутади.

***Машқ ёки топшириқни бажариш.*** Ушбу усулда дарсда ўқувчилар хотирасига туширилган тил

ходисасини машқ материаллари орасидан топиш, аниқлаш, изоҳлаш, таҳлил қилиш, нуқталар ўрнига мос ёрдамчи сўзларни қўйиш, уларни синонимик алмаштириш, услубий алмаштириб қўллаш[7] каби юмушлар бажарилади.

***Савол ва топшириқлар устида ишлаш.*** Ушбу иш тури энг кенг тарқалгани саналиб, ундан деярли ҳар бир дарсда фойдаланилади. Бунда кўпроқ таърифлар, таъриф асосида терминлар эсга олинади, баъзидагина қоидалар текширилади. Масалан, "Қайси туркум сўзлари билан ифодаланган кесимлар от кесим ҳисобланади?", "Эга қайси сўз туркумлари билан ифодаланади?" каби.

***Тестлар.*** Тестлар ўқувчиларнинг морфологик терминлар, морфологик шакллар, ифода воситалари ҳамда уларнинг маъноларини қанчалик билишларини ялпи текшириш имконини беради.

***Морфологик таҳлил.*** Ушбу метод ўқувчиларнинг тил ҳодисаси ҳақида олган тизимли билимларини аниқлаш ва тўлдириш учун хизмат қилади. Масалан, *ақлли* сўзи таҳлил қилинар экан, ўқувчи унинг сифат сўз туркумига мансублиги, маъносини, ясама эканлигини, шунга кўра ҳам нисбий сифат саналишини, қайси сўзга боғланишини, гапдаги вазифасини айтади.

Такрорлаш метод ва усулларини танлаш ва дарсда қўллаш конкрет тил ҳодисаси, унинг ўқувчилар томонидан ўзлаштирилганлик даражасига боғлиқ.

И.А.Зимняя фаолиятнинг ички қурилиши ҳақида гапириб, ҳаракатни фаолият бирлиги, унинг ҳужайраси деб, операцияни эса ҳаракатни амалга ошириш усули, моҳияти деб талқин қилади[8]. Бунда қайси фаолият усулидан фойдаланиш маъқул эканлиги ўқувчилардан сўраб аниқланади, охирида ўқитувчи бу ҳақдаги ўз хулосасини маълум қилади. Бундай тартиб ёшларда ўқиб ўрганиш учун мотив пайдо қилади, уларни ўзлари бажармоқчи бўлган ақлий меҳнат усуллари тўғрисида ўйлаш, бу усулларни такомиллаштириб бориш сари ундайди.

Ақлий ва нутқий фаоллик нутқий фаолият замиридагина юзага чиқади. Она тили дарсларида бу нарса назарий билимларни мустаҳкамлашдан ташқари, тилнинг бой имкониятларини ифода этувчи бирликларни қайд этиш ва улардан нутқ маҳсулини яратишда ўринли фойдаланиш ҳақида ўйлаш ва амалий ҳаракат қилишда яққол намоён бўлади.

Хуллас, 8-синф она тили дарсларида морфологик воситаларнинг жанр ва услуб талабига кўра қай тарзда танланганини кузатишда, уларни тўғри қўллашга ўрганишда матн ва унда акс этган синтактик қурилмаларни таҳлил қилиш, мустақил гапларни боғловчи воситаларга ўқувчилар эътиборини қаратиш нутқ ўстириш, нутқ маданиятини эгаллашнинг муҳим омили саналади.

### *Адабиётлар:*

1. Тихомиров О.К. Психология: Учебник / Под ред. О.В.Гордеевой. – М.: Высшее образование, 2006. – 538 с.
2. Зимняя И.А. Педагогическая психология. Изд. 2-е, доп. и перераб. – М.: Логос, 2003. – С. 41-45.
3. Обучение русскому языку в 7 классе: Метод.рекомендации к учеб. для 8 класса общеобразовательных учреждений / Т.А.Ладыженская, Л.А.Тростенцова, М.Т.Баранов и др. – М.: Просвещение, 2002. – С. 40.
4. Ona tili: Umumta'lim maktablarining 7-sinfi ucnun darslik / N. Mahmudov, A. Nurmonov, A. Sobirov va boshq. - Тошкент: Ma'naviyat, 2005. – 68-bet.
5. Федоренко Л.П. Принципы обучения по русскому языку. - М.: Просвещение, 1973. - 255 с.

**Абдрахимова М.Б.**
Қазақстандағы халықты әлеуметтік қорғау және білім жүйесін дамытудың негізгі бағыттары мен нәтижелері ---------- 133

**Баймұратова К.Ә.**
Қазақстан Республикасы Президентінің жолдауларындағы әлеуметтік саясатты жүзеге асыру мәселелері ---------- 136

## *ПЕДАГОГИКА, МЕТОДИКА, ПСИХОЛОГИЯ*

**Демеуов А.Қ., Ижанов Ж.Т.**
Жастарға елжандылық тәрбие берудің педагогикалык технологясы ---------- 141

**Ижанов Ж.Т., Демеуов А.Қ.**
Әскери өнер мен жауынгерлік дәстүрлерді колдана отырып оқушыларды патриоттыкка тәрбиелеу----- 144

**Исаева А.**
Қазақ ағартушы-педагогтарының бастауыш сынып оқушыларына ұлттық тәрбие беру туралы ой-пікірлері ---------- 147

**Қозыбақов М.Ж., Матеева М.А.**
Сәндік-қолданбалы өнер арқылы оқушыларды технология пәніне оқытудың маңыздылығы ---------- 150

**Мирзаалиев Э. М.**
Учет национальных особенностей при составлении воспитательных программ для учащихся средних школ Республики Узбекистана ---------- 152

**Нарожная В.Д., Исабекова Г.Е.**
Отражение народных традиций и обрядов в назиданиях Абая и казахских паремиях ---------- 155

**Нуржанова Г.А.**
Развитие творческих способностей школьников на занятиях по декоративно-прикладному Искусству ---------- 160

**Нұрсеитова Д.**
«Құтадғу білік» - XI ғасырдың аса құнды педагогикалық мұрасы ---------- 162

**Ҳалмурзаева Б.М.**
Обзор и анализ интернет-технологий для разработки корпоративных web-порталов ---------- 165

**Хайдаркулова Ж.Х.**
Қазіргі мектептерде ұлттық тәрбие беруде халықтық педагогиканың тәжірибесін пайдаланудың маңызы ---------- 168

**Ауелбеков Е., Абилдаев М., Бабажанов О.**
Қазақ колөнерінің ерекше түрі - ши тоқу өнері ---------- 171

**Юсупова Т.**
8-синфда синтаксисни ўрганиш жараёнида ёрдамчи сўзларни такрорлаш ---------- 175

**Акимханова Б.**
Оқушылардың карым-қатынасын дұрыс жолға қоюда педагогтың ықпалы ---------- 178

**Бүркіт Ә.Қ., Алиев Н.А.**
Жай тақтадан - интербелсенді тақтаға дейін...
(Интербелсенді тақта – көрнекілік принципті жүзеге асыру құралы) ---------- 181